*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессиясида*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ НУТҚИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Ҳаётнинг ўзи буни ёзиб қўйиш зарурлигини тасдиқлаб турибди. Чегараларни ўзгартириш эҳтимоли борлиги ҳақида РСФСР Президенти матбуот шўъбасининг яқинда берган баёноти оз бўлмаса портлашга олиб келай деганини эсга олинглар. Масъулиятсиз сиёсат йўлига мустаҳкам тўсиқ қўя оладиган аниқ қоидани Шартномага киритиш зарур. Акс ҳолда жамият чегара можаролари ва бир-бирини қиришдан иборат урушлар гирдобига ташланиши мумкин.

Шартнома қатнашчилари иттифоқдаги ўз муносабатларини тенглик ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик асосида қурадилар, деган қоида янги Иттифоқни ташкил этишнинг асоси, Шартноманинг энг муҳим шарти бўлиши керак. Бу қоида барча тенг ҳуқуқли халқаро Шартномаларга қўйиладиган энг оддий талаб бўлишига қарамай, у ҳам лойиҳада акс эттирилмаган.

Шу қоиданинг ёзиб қўйилмаслиги ўзаро шубҳа-гумон муҳитини қайтадан тиклашга асос беради, яъни «улуғ оға» ва «кичик ини» деган тушунчаларни пайдо қилади. Хуллас, Иттифоқ ғоясини обрўсизлантириб қўйиши мумкин бўлган империячилик онги сарқити яна қалқиб юзага чиқиб қолади.

Юқорида айтиб ўтилган фикр-мулоҳазалардан шу нарса кўринадики, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ҳеч бир масалада камситилмайдиган бўлиши учун Иттифоқ Шартномасини қайтадан ишлаб чиқиш зарур.

Сиёсий Шартномани имзолаш чоғида бизнинг энг асосий эътирозимиз шундан иборатки, аввало иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги Шартномани амалга ошириш борасидаги жами ишларни ниҳоясига етказиш лозим.

Бизга ва ҳаммамизга шу нарса равшан бўлиши кераки, сиёсий битимлар ва улар ҳақидаги гап-сўзлар халқнинг жонига тегди. Яна бир марта такрорлаб айтаманки, халққа аҳоли барча табақалари манфаатларини ижтимоий муҳофаза қилишнинг мустаҳкам кафолатлари зарур.

Пулнинг тез қадрсизланиб бораётганлигини тўхтатиб қолиш, қишдан омонэсон чиқиш учун у-бу нарсаларни қаердан ғамлаб олиш, ўзини ва фарзандларини энг зарур моллар билан қандай таъминлаш масаласи одамларни ташвишга солмоқда. Мана шу барча энг долзарб саволларга аниқ ва равшан жавоб топиш керак.

Шу сабабли ҳаётий муҳим бўлган ана шу масалаларни ҳал этишга доир амалий чора-тадбирлар рўёбга чиқарилгандан кейингина ушбу Шартномани имзолаш тўғрисида гапирса арзийди ва ўйлайманки, Сизлар шу фикрни қўллаб-қувватлайсиз.

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Ўзбекистоннинг Озарбайжон республикаси, Украина республикаси ва Беларусь республикаси билан давлатлараро муносабатларининг асослари тўғрисидаги Шартномаларни тасдиқлашга доир масала бугун Сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилмоқда. Шу билан бирга РСФСР делегацияси билан олиб борилган музокаралар ва имзоланган ҳужжатлар тўғрисида келишиб олишимиз зарур.

Мазкур ҳужжатларда нималар ўз моҳиятига кўра энг муҳим?

**Биринчидан**, бу ҳужжатлар республика раҳбариятининг «Ўзбекистон республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунни бутун чоралар билан мустаҳкамлашга, уни аниқ мазмун билан тўлдиришга қаратилган жиддий ва изчил сиёсатининг мантиқий давоми бўлди. Бугунги кунда суверен Ўзбекистон ўзининг давлатлараро муносабатларини кимлар билан ва қай тарзда йўлга қўйишни мустақил белгилайди.

**Иккинчидан**, Ўзбекистон ўзининг миллий давлатчилигини ривожлантира бориб, маҳдудликка ва ташқи дунёдан яккаланиб қолишга интилмаётганини яна бир бор намоён этди. Аксинча, Ўзбекистон эркинликни қўлга киритиб, бошқа давлатлар ва халқлар билан иқтисодий алоқаларни ҳамда ўзининг давлатлараро муносабатларини мустаҳкамламоқда.

**Учинчидан**, имзоланган ҳужжатлар хўжаликлараро алоқаларнинг барбод бўлиш жараёни тобора тезлашаётган шароитда бевосита икки томонлама шартномавий муносабатлар ўрнатиш йўли билан бу жараённи тўхтатишимизга имкон беради.

Бизнингча, бу республикадаги иқтисодий вазиятга ижобий таъсир кўрсатиши, бозор иқтисодиётига ўтишнинг мана шу мураккаб даврида унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муайян барқарорликни таъминлаши керак.

Ниҳоят, **тўртинчидан**, ушбу ҳужжатларда қуйидагилар яна бир бор тасдиқланган: ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг ҳар қандай шаклларини ривожлантира бориб, биз тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро фойдали муносабатларнинг шартномавий, ҳуқуқий қоидаларига оғишмай амал қиламиз. Ўзбекистон ҳеч кимга қарам бўлмайди ва бошқаларни ҳам ўзига қарам қилмайди. У тенглар орасида тенг бўлишни хоҳлайди ва шундай бўлишига ишонади.

Сизнинг муҳокамангизга тақдим этилган ҳужжатларнинг аҳамиятини мана шу умумий, муҳим жиҳатлар белгилаб беради. Энди уларнинг ҳар бири тўғрисида алоҳида бирмунча батафсилроқ гапирмоқчиман.

**Биз Озарбайжон билан ғоят хилма-хил соҳаларда мустаҳкам алоқаларни илгаридан ва кенг миқёсда давом эттираяпмиз.** Шуни ишонч билан айтишим мумкинки, тузилган Шартнома ўзбек ва озарбайжон халқлари ўртасидаги маданий-тарихий яқинликни ҳисобга олиб, барча соҳаларда ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун зарур шарт-шароит яратиш имконини беради. Бу сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликкина эмас. Шартномада халқларимизнинг маънавий турмушида дўстона алоқаларни ривожлантириш кўзда тутилади. Ишончим комилки, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, миллий-маданий ва ижодкор жамоалар ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар янада кенгаяди.

Шуларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг Озарбайжон Республикаси билан тузган Шартномаси давлатларимиз манфаатларига мувофиқ бўлиб, ҳар иккала жумҳурият халқларининг манфаатларига асосланади дейишимиз учун ҳуқуқ беради.

**Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасида имзоланган давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги Шартнома муҳим деб ўйлайман.**

Бу республика — бизнинг иқтисодий соҳадаги қадрдон ва ишончли шеригимиздир. Ўзбекистоннинг мол айирбошлашида маҳсулотнинг 10 фоизидан кўпроғи унинг улушига тўғри келади. Биз Украинадан ҳаётий муҳим маҳсулот — салкам 260 миллион сўмлик металл, қарийб 1 миллиард сўмлик деҳқончилик-саноат мажмуи маҳсулотлари, шунингдек 800 миллион сўмликдан ортиқ турли халқ истеъмол моллари харид қилаяпмиз.

Украина машинасозлик маҳсулотларининг бешдан бир қисмини ва деярли шунча миқдорда қанд-шакар, мой, сут ва гўшт маҳсулотлари, болалар таоми, озиқ-овқатнинг бошқа кўпгина турларини етказиб бермоқда. Бу жумҳурият бизни энг кўп миқдорда электр моторлари, ҳисоблаш техникаси, радио ва телеаппаратлар, бошқа мураккаб рўзғор техникаси билан таъминлаб турибди.

Шубҳасиз, Ўзбекистон ҳам ўз навбатида Украинанинг савдо-сотиқ соҳасидаги энг катта шерикларидандир. Рангли металлургиямиз маҳсулотининг (алюминий, руҳ, кадмий, қаттиқ қотишмалар) учдан бир қисмидан кўпроғи Украина корхоналарига жўнатилмоқда. Жумҳуриятимиз хилма-хил хом ашё ва енгил саноат маҳсулотини етказиб бераётган асосий шерикдир. Булар пахта толаси, ип газлама ва шойи, калава, жун, нотўқима материаллардир.

Республика халқ хўжалиги тузилмасидаги маълум нуқсонлар туфайли биз ўзимиз етказиб бераётганимизга қараганда Украинадан 1,3 миллиард сўмлик кўп маҳсулот харид қилишга мажбур бўлаётганимизни, яъни Украина билан савдо-сотиқ муносабатларимизда салбий балансга эга эканимизни алоҳида таъкидламоқчиман. Шу нуқтаи назардан қараганда, Украина билан тузилган Шартнома биз учун муҳим стратегик аҳамиятга эгадир.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасида имзоланган иқтисодий битимда маданият ва халқ таълими соҳасида, малакали ишчилар, мутахассислар ҳамда илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишида, биргаликда илмий тадқиқотлар ўтказиш ва қўшма корхоналар ташкил этишда ҳамкорликни кенг кўламда ривожлантириш кўзда тутилади.

Ўйлайманки, буларнинг ҳаммаси Украина билан тузилган Шартнома биз учун фавқулодда аҳамиятга эга ва Олий Кенгаш уни тасдиқлашга қаршилик билдирмаслигига ишонаман.

Сизларга маълумки, шу йилнинг 26 октябрь куни Москвада **Ўзбекистон делегациясининг Россия Федерацияси раҳбарлари билан расмий музокаралари** бўлиб ўтди. Музокаралар якунлари юзасидан ҳар иккала республика Президентлари келишилган ахборотга ўз имзоларини қўйдилар.

Ахборотда эришилган аҳдлашувлар ўз ифодасини топди. Булар Ўзбекистон билан Россия суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш асосида улар ўртасида ҳамжиҳатлик ўрнатиш тўғрисида; халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этиш ҳақида; ҳар иккала республикада истиқомат қилувчи барча фуқаролар учун фуқаролик, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни кафолатлаш тўғрисида; сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш ҳақидадир.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳам, шунингдек Россия Федерацияси томонидан ҳам давлатлараро муносабатларнинг асослари ҳақида икки томонлама Шартнома тузиш зарурлиги таъкидланди. Бу Шартнома тафсилотлари тўғрисидаги масала ишлаб чиқилмоқда.

Россия билан муносабатларимизнинг муҳимлиги тўғрисида кўп гапириб ўтириш зарур бўлмаса керак, деб ўйлайман. Муштарак тарихий тақдир, савдо-иқтисодий соҳадаги фаол шерикчилик, фуқароларимизнинг анчагина қисмини Россия билан боғлаб турган қон-қардошлик ришталари муносабатларимизга асос қилиб олинган.

Шу нарса муҳимки, Москвада Россия раҳбарлари билан олиб борилган музокараларимиз чоғида иккала республикамиз ўртасида 1992 йилги савдо-иқтисодий ҳамкорлик қоидалари тўғрисида битим имзоланди.

Битимда қуйидагилар алоҳида таъкидланди: бир-бирига зиён етказадиган бирон-бир хатти-ҳаракатлардан иккала томон тийилиб туради, иккала республикада истеъмол қилиш ва қайта ишлаш учун бир-бирларига юборилган маҳсулот қайтадан экспорт қилинишига йўл қўйилмайди, нарх белгилаш соҳасида келишилган сиёсат ўтказиш ҳамда умумий манфаатларга дахлдор бўлган нархларни белгилаш ва тартибга солиш юзасидан биргаликда қарорлар қабул қилиш кўзда тутилади. Мазкур ҳужжатда жумҳуриятимиз учун аҳамиятли бўлган бошқа масалалар ҳам тартибга солинган.

Биз учун ҳаётий зарур бўлган ёғоч материаллари каби маҳсулотга сизларнинг эътиборингизни қаратмоқчиман. Россиядан бизга 1,2 миллиард сўмликдан зиёд ёғоч-тахта келтирилади. Биласизларки, бу иқтисодиётимиз меъёрида ишлаши учун катта аҳамиятга эгадир. Шу сабабли Ўзбекистоннинг РСФСР ҳудудидаги ўрмон хўжаликларини узоқ муддат мобайнида ишлатиш масалаларини алоҳида битим ёрдамида тартибга солишга қарор қилинди.

Ўзбекистон билан Россия шу пайтгача қабул этилган битимларга тегишли иловалар асосида энг муҳим турдаги маҳсулот ва молларни етказиб беришни тартибга солиш воситасини биргаликда ишлаб чиқдилар. Маҳсулотларни ўзаро етказиб бериш асосан 1990 йил даражасида сақлаб қолинади. Жумҳуриятимиз учун бу амалда қандай маънони билдиради? Бир неча рақамни келтираман.

Республикамизга ташиб келтириладиган жами маҳсулот ҳажмида Россия Федерациясининг улуши 45 фоиздан ошади, республикамиздан юбориладиган жами маҳсулотнинг ярмидан кўпроғи Россиянинг ҳиссасига тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон билан Россиянинг иқтисодиёти бир-бири билан бирлашиб кетган. Айни пайтта маълум сабабларга кўра маҳсулот келтириш билан юбориш ўртасидаги тафовут 2 милиард сўмликдан ортиқ эканини ҳам ҳисобга олиш керак, халқаро эркин нархларда эса бу салкам 1 миллиард долларни ташкил этади.

Ўзбекистон ижтимоий ишлаб чиқаришининг ёқилғи-энергетика, қора металлургия, ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноати, машинасозлик каби тармоқлари бутунлай Россиядан келтириладиган хом ашёга қарамдир. Бунинг устига Россиядан келтириладиган маҳсулотнинг учдан бир қисми халқ истеъмол молларидир.

Республикамиздаги ижтимоий барқарорлик ва ҳар бир кишининг моддий фаровонлиги энг аввало бозорни истеъмол моллари билан тўлдиришга боғлиқ эканлиги ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқдир.

Аммо бу гаплардан Ўзбекистон билан савдо қилиш Россия учун унчалик манфаатли эмас, деган маъно келиб чиқмайди. Россия Федерациясининг енгил саноати учун асосий хом ашё бўлган пахта толасининг аксариятини бизнинг республикамиз етказиб беради. Бундан ташқари Ўзбекистондан четга чиқариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 90 фоизгача бўлган қисми россиялик истеъмолчиларга юборилади. Булар қовун-тарвуз, сабзавот, мева, узум, шунингдек мева-сабзавот консервалари ва бошқа нарсалар.

РСФСРга жўнатилаётган рангли металлургия ва химия саноати маҳсулотларида Ўзбекистоннинг салмоғи тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Демак, Россия — иқтисодий алоқалар соҳасида бизнинг асосий шеригимиздир. Шу сабабли ўзаро мол етказиб беришни меъёрий асосда сақлаб қолиш ҳозирги мураккаб пайтда иқтисодиётимизни барқарорлаштиришнинг мажбурий шартидир.

Сизларга яхши маълумки, эски марказ узоқ вақт давомида ўтказиб келган сиёсат иқтисодиётимизнинг ҳаддан ташқари катталашган ва издан чиққан тузилмасини шакллантирди. Нарх-наво соҳасида жуда катта номутаносибликлар юзага келди. Бироқ бунда Россиянинг айби йўқдир, балки бу унинг ҳам, бизнинг ҳам кулфатимиз эканлиги аёндир. Ўзбекистон халқи ҳеч қачон марказни Россия билан боғлиқ ҳолда тушунмади ҳамда марказий ҳокимият идоралари калтабин сиёсат ўтказганликлари учун айбни унга юкламади.

Тузилган шартномаларнинг энг муҳим натижаларидан бири шуки, ким-кимнинг ҳисобига яшаётгани тўғрисида узоқ вақт оғиздан тушмай келган гапларга барҳам берилди. Россия Президенти Б. Н. Ельцин матбуот конференциясида буни рўй-рост ва масъулият билан айтди. «Бугунги ҳужжатнинг имзоланиши, — деди у, — **ким-кимни боқаётгани ҳақидаги сафсаталарга чек қўяди. Бу — тенг ҳуқуқли Шартнома...** Ўйлайманки, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги Шартнома тез самара беради...»

Ҳурматли депутатлар!

Ўзларингизга маълумки, 6 ноябрь куни Ўзбекистон билан Беларусь Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги Шартнома имзоланган эди.

Мазкур Шартнома, айни бир вақтда имзоланган иқтисодий битим, юқорида айтиб ўтилган ҳужжатлар каби, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик қоидаларига асосланган бўлиб, бизнинг тўғридан-тўғри, икки томонлама алоқаларимизни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Беларусь делегацияси билан музокаралар вақтида шу нарса қайд этиб ўтилдики, бизда икки томонлама муносабатларнинг барча жиҳатлари бўйича бирон-бир жиддий тафовутлар йўқ, шу муносабатларни ривожлантириш йўлида ғов бўла оладиган масалалар ҳам йўқ. Бу муносабатлар ниҳоятда муҳим эканлигига ҳеч кимда шубҳа бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Тарихий тақдирларнинг муштараклиги ва чуқур иқтисодий бирлашиб кетиш ҳам мазкур муносабатларнинг аҳамиятини белгилаб беради.

Шуни айтиш кифояки, Ўзбекистон Республикаси Беларусдан халқ истеъмол молларидан салкам 500 миллион сўмлик олиб турибди. Истеъмол бозорида вазият кескин бўлиб турган ҳозирги кунда биз учун бу қандай аҳамиятга эга эканлигини тушунтиришнинг ҳожати йўқ.

Имзоланган ҳужжатларга мувофиқ экология масалалари Беларусь билан ҳамкорлигимизнинг муҳим жиҳати бўлиб қолиши керак. Чернобиль фалокатининг фожиали оқибатларини бошдан кечираётган беларуслар Орол экология фалокати нақадар кенг миқёсда эканлигини яхши тушунадилар.

Биз ушбу муаммоларни ҳал этишда фаол ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишиб олдик ва буни Шартноманинг тегишли моддасида мустаҳкамлаб қўйдик.

**Хулоса қилиб шуни таъкидламоқчиманки, имзоланган ҳужжатлар Беларусь билан Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро муносабатларда янги босқични бошлаб беради ва Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларига тўла-тўкис мос келади.**

Ҳурматли депутатлар!

Бугун биз Озарбайжон, Украина ва Беларусь билан тузилган Шартномаларни тасдиқлар эканмиз, бу билан Ўзбекистон халқининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги сари бошланган изчил ва қатъий йўлни мустаҳкамлаймиз, республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги ҳужжатни аниқ мазмун билан тўлдиришга, Ўзбекистон давлатининг мустақил ташқи сиёсатини шакллантиришга кўмаклашамиз.

Сизларга тақдим этилган давлатлараро Шартномаларни тасдиқлаш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қилар эканман, депутатлар Шартномаларни қўллаб-қувватлайдилар ва мана шу **ғоят муҳим давлат ҳужжатларининг бутун аҳамиятини англайдилар, ҳужжатларни тасдиқлаб, мустақил Ўзбекистон билан Россия, Озарбайжон, Украина ва Беларусь ўртасида дўстлик, иноқлик ва ҳамжиҳатлик ўрнатишга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонаман.**

Азиз дўстлар, ўртоқлар!

Рухсатингиз билан маърузамнинг охирги қисмида бугун Ўзбекистонда мавжуд аҳвол ва кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида айтиб ўтсам.

Жумҳуриятимиз янги йўл бошида турибди. Бугунги давр — ўтган йўлга назар солиш, нимага улгурганимизу, нимага улгурмаганимизни таҳлил қилиш даври. Бу эса олдинга юриш учун куч-қувват ато этади. Одил, ҳаққоний хулосалар чиқариш имконини беради.

Ўзбекистон Президенти фармонлари ижросига оид рақамлар, далиллар қўлингиздаги ихчамгина ахборотда жамланган.

Айтиш керак: бу фармонлар ва қарорлар кўпчилик фаолларнинг меҳнати натижасида пайдо бўлди. Уларда халқимизнинг хоҳиш-иродаси, талаб-эҳтиёжлари акс этади.

Бизда «аввало иқтисод, кейин сиёсат» деган тушунча бор. Лекин иқтисодни англаш, тўғри бошқариш учун нима керак? Сиёсат керак, ақл-заковат керак, маънавият керак. Шу сабабли ҳам биринчи **қадамни халқ қадриятларини тиклаш, одамлар тафаккуридаги қуллик кишанини йўқотиш, уларда ўзларига ишончни мустаҳкамлашдан бошладик.**

Ёдга олайлик: Наврўз байрами халқимизнинг шодхуррамлигига айланди. Одамлар маънавий кишанлар сина бошлаганини ҳис қилдилар. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди. **Мусулмон дунёсига йўл очилди. Рамазон ва қурбон ҳайитлари биринчи марта — расман тан олинди. Бир пайтлар ўз халқи тақдирини ўйлагани учун қатағон бўлган улуғ зотлар номлари тикланди. Тарихимиз, маданиятимизга ўзбекона кўз билан қараш устивор бўлди.**

Энг салмоқли ва энг буюк воқеа, албатта, мустақиллик учун курашимиздир. Мен очиқ айтаман, бу масалани сизларнинг ҳукмингизга ҳавола этиш ҳақидаги фармонга имзо чекканимда бутун масъулият ва жавобгарликни ҳис этганман, бу нарсага жонимни тикканман. Бу улуғ мақсадга эришиш учун не-не машаққатли курашлардан, синовлардан ўтишни ҳам яхши тасаввур қилганман. Аммо яна бир марта такрорлаб айтаман — бу йўлдан қайтиш, чекиниш йўқ. Бу олий мақсад учун ҳаммамиз бир бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатликда иш олиб борсак, албатта ўз ниятимизга эришамиз.

Кеча сессиядан олдин охирги вақтларда қабул қилинган фармонларни яна бир карра ўқиб чиқдим. Қандай хулоса, қандай таассурот? Бирортасида ғаразли мақсад йўқ. Ҳаммаси одамлар тақдири билан боғлиқ, юрт тақдири билан боғлиқ. Ўнлаб йиллар давомида орзу бўлиб туюлган нарсалар ҳақиқатга айланаётгани менда эртанги кунга умид, ишонч уйғотади.

Тўғри, йўлимизда ҳали кўп муаммолар, қусурлар, тўсиқлар бор. Уларни олиб ташлаш вақти-соати етган. Айниқса ошкоралик йўлидан қўрқмасдан, дадил қадам ташлашимиз керак. Мана, кўп партиялиликка йўл очилди. «Эрк», «Бирлик» расман тан олинди. Эртага уларнинг рўзномалари, ойномалари чиқади. Матбуот майдонида ҳам рақобат бошланади. Демак, ошкоралик учун ҳам имкон яратилди.

Ҳозир миллий ойнаижаҳонимиз ва миллий радиомизни яратиш ишлари ниҳоясига етиб қолди. Ойнаижаҳон одамларнинг дард-ташвишлари, муаммо-масалалари, қувончу ҳаяжонларини айтадиган эркин минбарга айланади, уларга фикрлаш, баҳслашиш, маънавий бойлик олиш учун зарур манбага айланади.

Энди баъзи бир бевосита **одамларнинг шароитларини яхшилаш** юзасидан қабул қилинган фармонларга тўхталиб ўтсак.

Икки йил олдин ҳар мажлис «пахта қуллиги», «пахта яккаҳокимлиги» деган сўзлар билан бошланиб, шу гап билан тугарди.

Қани бугун ким бизга шу айбни қўя олади? Ҳеч ким. Чунки пахта яккаҳокимлиги тугатилди. Режа икки йил ичида 1 миллион 200 минг тоннага камайтирилди. Келаси йилга яна камайтириш тўғрисида ўйлаб кўраяпмиз.

Олимлар Ўзбекистонда экин майдонларининг 63 фоизига пахта экилса, ҳаммаси жойига тушади деб хулоса беришган. Гарчи пахта Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий қуроли бўлишига қарамасдан, биз 63 эмас, баъзи жойларда 56 фоизга туширдик. Ноз-неъматлар кўпайсин дедик, одамлар ер олишсин, томорқа олишсин. Аҳолига оз эмас, нақд 350 минг гектар суғориладиган ердан ўлчаб берилди. Шу қарор туфайли 1,5 миллион оила, ҳаммаси бўлиб 9 миллионга яқин кишилар, инсонлар манфаатдор бўлди, кўпдан бери орзу қилган мақсадига эришди.

Одамлар уй-жой солишсин, ноз-неъмат етиштирсинлар, даромад қилсинлар, бой бўлсинлар, ўшанда давлат бой бўлади, ўшанда давлат ҳақиқий давлатга ўхшайди. Қаранг, ҳозир Ўзбекистонда 700 минг янги хўжалик пайдо бўлди, шунинг орқасидан одамлар ўзининг келажак турмушини кўраяпти. Шахсий уйларни қуриш эса икки йил давомида 3,2 фоиз ошди. Бунинг нимаси ёмон?

Бу сиёсатга қарши чиққан баъзи бир эл дардидан узоқ кимсаларга халқимиз ўзи жавоб беради, албатта. Қаердадир бу фармон бажарилмаётган экан, бунинг учун Каримовнинг ёқасидан олиш керак эмас. Жойлардаги курсига ёпишиб олган раҳбару раҳбарчаларни уйқудан уйғотиш учун сиз, депутатлар ҳам менга ёрдам беришларингиз керак. Мен сизларга таянишим лозим. Биргалашсак ҳар қандай тўсиқни чилпарчин қиламиз, албатта.

Ўқитувчиларга, талабаларга, ўқувчиларга, уруш ногиронларига ва бошқаларга ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳақида фармонлар қабул қилинди. Бу ишни ҳеч қачон тўхтатмаймиз. Зиёлидан, илмдан юз ўгирган раҳбар зулмат ичида қолади, келажакдан маҳрум бўлади. Оқил, доно раҳбар меҳрибон ота сингари энг аввало ана шу ҳақда қайғуриши керак. Кимдир бу фикр асоссиз деса ҳам майли, гапираверсин, лекин биз бу йўлдан қайтмаймиз. Ўқитувчи, талаба, ўқувчи, келин-куёвлар, медицина ходимлари, оналар ҳақида бундан кейин ҳам, ҳар қандай оғир шароитда ҳам ғамхўрлик қиламиз, акс ҳолда бу жамиятнинг, бу давлатнинг умуман кераги йўқ.

Куни кеча давлатдан маош оладиган, давлат ёрдамига муҳтож бўлган ишчиларимизга, қарияларимизга, ёшларимизга, студентларимизга, ҳунар-техника ўқув юртларида ишлайдиган ходимларга, илмий-ўқув юртлари ходимларига, давлат корхоналари хизматчиларига оладиган ойликларини, ҳаётимизда кучаётган қимматчиликни ҳисобга олиб, 30—50 фоизга кўпайтирдик. Буни амалга ошириш учун ҳаммаси бўлиб 7 миллиард сўм қўшимча пул топишимиз зарур. Турмуш даражаси пасайиб кетишини кўзда тутиб, халқимизни ҳимоя қилиш йўлида шундай тадбирларни амалга оширишда олдимизда кўп ишларимиз бор.

Қишлоқларни газлаштириш, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш, чорва молларни кўпайтириш борасидаги фармонлар охирига етиши керак. Тўғри, ҳали жумҳуриятда Президент фармонларини тўла бажаришни таъминлайдиган механизм вужудга келмаган. Шу сабабдан «Отангга бор, онангга бор» қабилида иш тутилмоқда. Яқинда мен фармонларни назорат қилиш бўлимини туздим. Жойларда ҳам ана шундай бўлимлар керак, токи хайрли ишларимиз қоғозда қолиб кетмасин.

Ўтган етмиш тўрт йил мобайнида сохта сиёсат туфайли одамларга «сизни давлат боқади» деган ёлғон ақида сингдириб келинди. Бу халқни қулга айлантириш, унинг меҳнати самарасини тортиб олиш учун қилинган. Бугун киши ўзини ўзи боқиш йўли пайдо қилинди, яъни меҳнатнинг асосий қисми ўзига қайтишига эришиш учун қайғураяпмиз. Биз тадбиркорларга йўл очиш, шахсий хўжаликларни ривожлантириш учун 1 миллиард сўм ажратиш ҳақида фармон қабул қилдик. Нега? Бунинг замирида нима бор? Ҳам халқнинг, ҳам давлатнинг тақдири бор. Лекин афсуски, ажратилган маблағлар нима учундир ўз вақтида ўзлаштирилмаяпти. Бунинг сабабларини аниқлашимиз, яқин кунларда давлат ажратган маблағдан самарали фойдаланиш тўғрисида қўшимча тадбирлар қабул қилишимиз зарур деб ўйлайман.

**Энди икки оғиз сўз пахта нархи борасида.** Ахир йиллар давомида бу масалада фақат гапдан нарига ўтилмас эди. Пахта нархи 2,5 йилда 4,5—5 марта ўсди. 2200 сўм эди, 10 минг сўмдан ошди. Шу борада яна битта рақам келтираман. Сурхондарё вилояти ўтган йили 485 минг тонна пахта топшириб, 700 миллион сўм даромад қилганди. Бу йил эса 465 минг тонна, эътибор беринг, 20 минг тонна кам топшириб, 1 миллиард 20 миллион сўм даромад қилди. Ўзгариш борми? Бу пул қаерга кетади? Москвагами, Тошкентгами, халққами? Бугун ҳамма вилоятларимиз ана шундай имкониятга эга бўлишди. Демак, бу борадаги фармонлар кучли, қудратли, тирик экан деган хулоса қилишга ҳаққимиз борми?

Бошқа бир кичкина мисол. Келин-куёвларга мебелни арзонроқ сотиш ҳақида фармон чиқарган эдим. Айримлар буни обрў топиш учун қилинди, дейишди. Агар обрўга зор қолинса, уни топишнинг бошқа йўллари кўп. Бу фармон замирида ўзимнинг ҳам болалигим бор. Ерда, бўйранинг устида чалқанча ётиб дарс қилганмиз. Бугун ҳам стол-стул, мебель кирмаган уй озми? Мен янги оилага маданият белгилари, тараққиёт белгилари кириб боришини назарда тутиб, ўша фармонни чиқарганман. Кимки уни қатъий бажараётган бўлса, раҳмат, кимки унга риоя қилмаса, бу ҳолни халққа ҳурматсизлик, келажакнинг кўзини ўйиш деб биламиз.

Мен мана шундай ички томонларини айтмасликка қарор қилгандим. Аммо вақт, айрим мулоҳазалар шунга мажбур этди. Чет эллик тадбиркорларни чорладик, қанча қўшма корхоналар вужудга келмоқда, хориждаги ватандошларимиз билан бирлашдик. Бирортасининг ортида Каримовнинг шахсий манфаати йўқ. Ҳаммасининг замирида Ўзбекистон манфаати, Ўзбекистон тақдири бор.

Ўз манфаатини юқори қўядиган одам сиёсатга яқин келмаслиги керак. Нуқул қорин тўйғазишу пўрим кийиниш мақсадида юрган шахс учун катта ишларга бош суқишнинг ҳожати йўқ.

Мана, ёшларнинг ҳарбий хизмати бўйича жиддий қадамлар ташланаяпти. Ўзимизнинг мудофаа вазиримиз бор. Энди кимдан сўрашни биламиз. Ўзбекистон ўзининг олтинига ўзи эгалик қила бошлади. Бойликларимизга ниҳоят хўжайин бўлдик. Дунё энди жаҳон харитасида мустақил Ўзбекистон мамлакати пайдо бўлаётганлигини ҳис қилмоқда. Бунга кейинги вақтдаги халқаро муносабатлар ҳам мисол бўлади.

Олдимизда бошқарув системасини такомиллаштириш масалалари ҳам турибди. Ўтган сессияда мен иқрор бўлган камчиликлар, баъзи бир хатоларга йўл қўйганимни такрорлаб гапиришимнинг ҳожати йўқдир. Энди бу сўзларни ҳаётга амалда татбиқ қилишимиз лозим. Бу ишларнинг ҳаммасини сиз, ҳурматли халқ вакилларига таяниб бажаришимиз мумкин. Ҳар хил бўҳтон гапларни — депутатлар белгиланган муддатдан олдин тарқатиб юборилади, деган гапларни фақатгина орамиздаги ишончни йўқотишга уринадиган, адоват уруғини сепадиган ғаламислар тарқатаяпти.

Яна бир масала. «Пахта иши» билан қамалган кишиларнинг тақдирини қайтадан кўриб чиқиш пайти келди.

Ҳурматли депутатлар, азиз дўстлар!

Яқинда мен бир қатор вилоятларда бўлдим, одамлар билан учрашдим, халқ қандай яшаётгани, нималар ҳақида ўйлаётгани, шахсан мендан нима кутишаётгани, қандай фармонлар қабул қилиш ҳақида суриштирдим, қизиқдим.

Ҳозир одамларнинг асосий ташвиши битта: қишдан қандай чиқамиз, бизни нима кутаяпти, мустақиллигимиз хавф остида қолмайдими, деган саволлар.

Жойларда гарчи оз бўлсада, кунни ўтказиш учун етарли озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар бор. Аммо назорат суст. Кимлардир халқ ризқи-рўзи ҳисобига бойишмоқда. Нарх устига нарх қўймоқда, бор нарсани ҳам яширмоқда. Бундай жиноятчиликка бефарқ қаралмоқда.

Вилоятлардаги учрашувлардан кейин жиддий бир ҳужжат қабул қилдик. У асосан нархлар ошиши, эркин нархлар ёпирилиб келиши, пул қадрсизланиши шароитида аҳолини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

**Биз биринчи галда**: аҳолига талон бўйича сотилаётган маҳсулотларни қатъий назорат қилиш ва одамлар керакли нарсаларни олишларини таъминлаш;

— бор маҳсулотни ўзимизнинг одамларга етказиш ҳамда четдан келиб қилинаётган талон-тарожларга чек қўйиш, ички бозоримизни қўриқлаш мақсадида купон тайёрлаш;

— иқтисодий жиҳатдан синиб бораётган хўжаликлар, корхоналарни тугатиш ва улар ўрнида фермер, деҳқон хўжаликлари, жамоа хусусий мулкчилигини барпо қилиш;

— давлат маблағи ҳисобига кун кўраётганларнинг маошларини ошириш, хўжалик соҳасида ишлайдиганлар маош чегарасини олиб ташлаш;

— аҳолини озиқ-овқат, халқ истеъмол моллари билан таъминлашнинг аниқ режаларини белгилаш;

— чет эл валюталарини ўзимизнинг бозоримизга эркин олиб кириш ва қўлимиздаги пулни валютага эркин алмаштириш сингари ўнлаб масалаларни қўйдик ва узил-кесил хулосалар чиқардик. Натижаси яқин кунларда сезилиб қолади, деб ўйлайман.

Ҳозир бутун диққат-эътиборни қишда ёпирилиши мумкин бўлган очарчилик олдини олишга қаратганмиз. Бугун халқимизни ишонтириб айтиш мумкин, бу даҳшатни енгиш йўлларини топдик, топаяпмиз. Ҳеч қандай миш-мишлар, шов-шувларга, хавотирга асос йўқ.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман. Кимлардир бизни рус тилида сўзлашувчи халққа қарши қўймоқчи. Бу катта ўйин. Шундан эҳтиёт бўлишимиз керак.

Азиз дўстлар!

Мен бугун ҳар бир фармон ҳақида, унинг моҳияти ҳақида алоҳида тўхталмадим. Фақат шуни айтмоқчиманки, халқим олдида, сизларнинг олдингизда виждоним ҳам, дилим ҳам пок. Мана шу ерга чиқиб «Республикамиз халқига садоқат билан хизмат қилишга...» қасамёд этганман. Ана шу қасамдан чекинганим йўқ, хиёнат ҳам қилганим йўқ.

Қасамёдга содиқман, содиқ бўлиб қоламан.

Эътиборингиз учун раҳмат!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИ ТУЗИЛДИ

17 ноябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари бўлган Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатларининг йиғилиши бўлиб ўтди, йиғилишда ана шу партиянинг республика Олий Кенгашидаги аъзолари фракцияси тузилди. Халқ депутатлари М. М. Расулов билан А. Ғ. Ғуломмаҳмудов фракциянинг раиси ва ҳамраиси этиб сайландилар. Парламент фракцияси кенгашига Халқ демократик партиясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган депутатлар партия гуруҳлари раҳбарлари кирдилар. Фракция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг чинакам мустақиллигини таъминлашга, сайловчиларнинг фуқаролар тотувлигини, миллий тотувликни мустаҳкамлашга, республика халқларининг, ҳар бир оила ва ҳар бир кишининг фаровонлигига эришишга қаратилган наказларига ва Халқ демократик партиясининг Дастурига асосланади.

